

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Жалакудук туман Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи

Б.Сайидов

Жалакудук туман Ободонлаштириш бошқармаси қарашли махаллаларга  
мевали кўчатлар сотиб олиш учун  
Лойиха смета хужжатларини таёrlаш учун

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Жалакудук туман - 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома

П. Техник кисм

Ш. Нархлар кисми

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Жалакудук туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли махаллаларга мевали кўчатлар сотиб олиш учун лойиха хужжатларини тайёрлаш.

1.2. Танловнинг юкори қиймати — 22 499 400 (йигирма икки миллион тўрт юз тўқсон тўқиз минг тўрт юз) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чикилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмida илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан

бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5. Ишларни бошлаш муддати — аванс маблағи Ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Жалакудук туман Ободонлаштириш бошқармаси Бўлими (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) — танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили • Жалакудук туман Ўзбекистон кўчаси 62-уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Жалакудук туман Ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан катый назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, камида З йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади: танлов предмети ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; объектнинг мураккаблик даражасига караб, "лицензия" ва "гувохнома". 684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт

- Моддий-техника базаси хамда ташкилотнинг орг техника рўйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти суғурталанганилиги
- Техника хафсизлиги коидаларига риоя килиш талаблари хамда йўрикномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти оркали рўйхатдан ўтғанлиги тўғрисидаги жужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Шу соҳада олдин килинган ишлари бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
Кайта ташкил этилиш (ажралиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник кисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилен бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган ва колатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдикланган холда ёки хар бир вароғини муҳрлаб тасдиклаган холда тақдим этишлари лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

Факат битта таклиф бериши мумкин; тақдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади; таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш қиритиш хукукиг аэга.

### **5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун таълукли холда эълон килинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фактада харид комиссияси йиғилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш түгрисидаги карор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари түгрисидаги Конунталабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартиб даявобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссиясида влат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор кабул килиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан Ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига Ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул қилишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) Узгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига Узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот Узгартирилган бўлса, танлов Утказиш тўғрисидаги эълонга Узгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига хами. сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини Узгартираслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига хакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.